Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти Кутубхонаси

2006 ЙИЛ, 19 МАЙ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 95 (10.652) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЖОЙЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ ОРЗУ-ЎЙЛАРИДАН ЯҚИНДАН ХАБАРДОР БЎЛИШ МАҚСАДИДА ВИЛОЯТЛАРГА ЧИҚИБ ТУРИШИ АНЪАНАГА АЙЛАНГАН. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ АНА ШУ МАҚСАДДА КЕЧА НАВОИЙ ВА БУХОРО ВИЛОЯТЛАРИДА БЎЛИБ, У ЕРЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ.

● Тошкентда йирик спорт анжуманига ҳозирлик кўрилмоқда. Яна икки кундан сўнг «Ўзбекистон» спорт мажмуасида футзал бўйича 8-Осиё чемпионати бошланади.

● Мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида Андижон вилояти шаҳар ва туманларида «Куч — бирлик ва жипслиқда» дўстлик фестивалли ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Бўз туманида ҳам бўлиб ўтди.

● «ЭКОСАН» халқаро ташкилотида Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни олдидан «Санитария, гигиена ва экологик маданият декадаси» дастурига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Йиғилишда аҳоли яшаш ва иш жойларида санитария-гигиена меъёрларига риоя қилинишини таъминлаш, экологик маданиятни мустаҳкамлашда атроф-муҳит ва инсон саломатлигини асраш зарурлиги таъкидланди.

● Термиз шаҳрида Россияда ишлаб чиқарилган «ГАЗ» русумли автомашиналар сотиладиган автосалон очилди. Унда «Волга», «Газель», «Соболь» автомашиналари ҳамда 4,5 тоннагача юк кўтаришга мўлжалланган транспорт воситалари сотувга қўйилган.

● Тошкентда Ўзбекистон гольф ассоциацияси томонидан Тошкент гольф-клуби кўмаги ва акциядорлик тижорат «Капиталбанк» бош ҳомийлигида илк бор гольф бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди.

● Андижон шаҳар ҳокимлигининг вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ҳузурида доимий фаолият кўрсатадиган ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ушбу гуруҳ кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳар томонлама ёрдам бериб, ота-она, маҳалла ва жамоатчилик билан биргаликда тарбияси қийин ўсмирларни тарбиялаш муаммоларини ҳал этади.

● Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида газларни фракцияларга ажратиш қурилмаси ишга туширилди. Янги қурилма атроф-муҳит мусаффолигини сақлашда катта аҳамиятга эга бўлиб, у атмосферага чиқадиган турли газлардан аҳоли ва автомобиллар учун газ ишлаб чиқариш имконига эга.

● Жиззах туманининг Бобур номли агрохизмат маркази ҳудудида 35 ўринли қишлоқ шифокорлик пункти қурилиб, ишга туширилди. Фермерлар ҳомийлигида ва ҳашар йўли билан бунёд этилган саломатлик масканида 7 нафар врач, 24 нафар ҳамшира беморларга тиббий хизмат кўрсатмоқда.

● Самарқанддаги олий маҳорат спорт клубида юнон-рум кураши бўйича «Самарқанд Кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг еттита вилояти ҳамда Туркия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистондан келган 160 дан зиёд ёш полвонлар 10 та вазн тоифасида ўзаро беллашдилар.

ЖАҲОНДА

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан халқаро ҳамжамиятни глобал кибернетик хавфсизликни кучайтириш ва коммуникация технологияларидан фойдаланишга бўлган ишончни мустаҳкамлашга чақирди.

● Ўтган куни Канада Бош вазири Стивен Харпер мамлакат парламенти йиғилишида билдиришича, Канада 2008 йилда НАТОнинг Афғонистондаги халқаро контингентига бир йил мобайнида қўмондонлик қилиш ниятида.

● АҚШ Конгрессининг юқори палатаси Америка-Мексика чегара девори лойиҳасини қўллаб-қувватлади. Қурилиши режалаштирилаётган деворнинг узунлиги 600 километр бўлиб, Мексикадан Америкага кириб келаётган ноқонуний муҳожирлардан ҳимоя қилади.

● Москва вилоятида Россия федерациясининг барча вилоятларидан келган ғаввослар иштирокида ўқув йиғинлари бўлиб ўтди.

● Финляндия ҳукумати Фаластин мухториятига кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами ҳажмини кенгайтиришга ваъда берди. Шу муносабат билан кеча Финляндия ташқи савдо вазири Паул Лихтомяки БМТнинг фаластинлик қочоқларга ёрдам кўрсатиш агентлиги раҳбари Керен Абу Заид билан учрашди.

● Хитойнинг жанубига жойларда катта вайроналар келтираётган «Маржон» номли тўфон етиб келди. Шу муносабат билан Гуандун ва Фуцзян вилоятларида истиқомат қилувчи 630 минг нафар аҳоли вақтинча эвакуация қилинди. Шантоу туманининг эса деярли барча кўчалари сув билан тўлган.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 20 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 32-34 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Маҳалланг — ота-онанг



МАЪЛУМКИ, АЙНИ КУНЛАРДА ЮРТИМИЗДА ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА САЙЛОВЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА. УШБУ САЙЛОВ АЙТИШ МУМКИНКИ, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ҲАМДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРДА АҲОЛИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧДИР.

КЎПНИНГ ФИКРИ МАЪҚУЛЛАНДИ

Жойларда бўлиб ўтаётган сайловларда иштирок этиб, кўрганларимиз, кузатганларимиз асосида айтишимиз мумкинки бугунги кунда фуқароларнинг фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлиги ортган. Улар эртага маҳаллага ким оқсоқол бўлади, деган саволга ўзларида масъулият ҳиссини сезмоқдалар, фикр-мулоҳаза ва таклифларини айтиб ўз муносабатларини билдирмоқдалар.

Собир Раҳимов туманидаги сўлим ва баҳаво Комилжон Ғафуров номли маҳаллада бўлиб ўтган сайловда иштирок этиб юқорида айтилган фикрларга яна бир карра амин бўлдик. 3.300 нафар аҳоли истиқомат қиладиган ушбу гўшада 219-мактаб директори Мунтазамхон Аминжонова ишчи гуруҳи раиси сифатида фаол иш олиб борди. Сайлов бўлиб ўтадиган кунгача котиба Гулнора Қосимова билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этишди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида маҳалла оқсоқоли Мақсудхўжа Азимхўжаев аввало ўтган икки ярим йил ичида қилинган ишлар бўйича ҳисобот берар экан, маҳалладошлар эътиборини кўркам маҳалла гузарининг қурилиши, генерал Ғофуров шоҳкўчасидаги йўлкаларнинг асфальтлангани, айниқса кузқиш ойларида газ босимининг ниҳоятда пасайиб кетганида махсус ускуналар ўрнатиб шароит тўғриланганлиги, иккита кўп қаватли уйлар атрофларида катта ободонлаштириш юмушлари бажарилиб, ноқонуний қурилмалар олиб ташлангани, симёғочлар янгиланган, кам таъминланган оилаларга ҳамиша эътибор қаратилаётгани, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида қатор маиший хизмат кўрсатиш устахоналари, нон-булка маҳсулотлари цехлари ишга тушгани каби мисолларга қаратди. Тафтиш комиссияси ҳисоботи ҳам ҳеч кимнинг эътиборидан четда қолмади.

— Азиз маҳалладошлар, — деди жумладан сўз олган маҳалла фаоли Рашидхўжа Аҳмедов. — Ҳисоботда айтиб ўтилган ҳар бир тадбир ва юмушларнинг бевосита иштирокчиларимиз. Ҳашар йўли билан қанча ишларни бажардик, оқсоқол ҳамиша бош-қош бўлган бу ишларда. Ҳар бир хонадоннинг ҳолидан хабар олиш, ёрдам бериш, кишиларнинг кўнглини



кўтариб тўғри йўл кўрсатишда ҳам оқсоқолимиз барчага ўрнак. Шунинг учун ҳам мен таклиф киритмоқчиман. Ўз ишини пухта билган, одамлар учун қайишадиган, яхши-ёмон кунларда ёнингда туриб маслаҳатини аямайдиган Мақсудхўжа Азимхўжаевга яна бир бор ишонч билдириб, оқсоқолликка қайта сайласак.

Шундан сўнг бир қатор фаоллар сўз олиб ушбу таклиф бўйича фикр билдирдилар. Кўпчиликнинг хоҳиш-истаги, очиқ овоз бериш йўли билан маҳалла оқсоқоли яна қайта сайланди. Оқсоқол маслаҳатчилари ҳам кўпчилик овоз билан сайлаб олинди.

Халқ ишончини яна бир бор қозона олган маҳалла оқсоқолига кейинги фаолиятида, масъулиятли юмушларида омадлар, маҳалладошлар назаридан қолмасликни тилаб қоламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: Комилжон Ғафуров маҳалласида бўлиб ўтган сайловдан лавҳалар.

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Сергели туманидаги Қўйлиқ маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида туман воягa етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш масаласига бағишланди.

● **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги «ОНИКС» очиқ акциядорлик жамиятида «Давлатимиз душманлари ким?» мавзуида Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатларининг бир йиллиги муносабати билан терроризмнинг салбий оқибатлари моҳиятига бағишлаб ўтказилган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Собир Раҳимов туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **БУГУН** Яккасарой туманидаги 17-оилавий поликлиникада «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Хотин-қизлар ва ёшлар: салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасидаги муаммолар» мавзуида ўтказилган давра суҳбати Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● **БУГУН** Бектемир туман ҳокимлигида туман мактабларида 2005-2006 ўқув йили якуни бўйича ўтказиладиган «Сўнгги қўнғироқ» тадбирига тайёргарлик кўриш масалаларига бағишлаб уюштирилган йиғилишда мактаблар раҳбарлари иштирок этишди.

● **ЭРТАГА** Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев маҳалласида «Энг катта бойлигимиз — тинчлигимиз ва барқарорлигимизни асрайлик» мавзуида ўтказиладиган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилмоқда.

● **БУГУН** «Ўзмевасабзавот узумсаноатлойиҳа» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати «Терроризмга қарши кураш» деб номланди.

● **ЎТГАН КУНИ** Бектемир туманидаги Абай маҳалласига йиғилган фуқаролар йиғини вакиллари, фаоллар маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиларини сайлашди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Огоҳлик — давр талаби» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** Ислом университетида Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан фаол аёллар иштирокида «Биз ўз куч ва имкониятларимизга ишонамиз» мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

БЕЛЬГИЯНИНГ ЛУВЕН КАТОЛИК УНИВЕРСИТЕТИДА (ЛКУ) ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛ РИВОЖЛАНИШ ЙИЛЛАРИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАМДА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. У ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕЛЬГИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҲАМДА УШБУ МАМЛАКАТДАГИ ЕВРОПА ВА ХАЛҚАРО СИЁСАТ ИНСТИТУТИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ЕВРОПАЛИКЛАР НИГОҲИДА

Лувен Католик университети Бельгиядаги энг кўҳна олий ўқув юрти ҳисобланади. У 1425 йилда ташкил этилган. Дунёнинг 120 мамлакатидан 31 минг нафардан ортиқ талаба таҳсил оладиган ушбу билим масканида 8 мингдан зиёд ўқитувчи, профессор ва илмий ходим фаолият кўрсатади. Университет ўзининг юқори таълим бериш даражаси билан нафақат Бельгияда, балки унинг ташқарисида ҳам ном қозонган.

Мазкур олий ўқув юртининг Ўзбекистонга қизиқиш билдириши бежиз эмас. Негаки 2001 йилда университет ҳузурида Европа ва халқаро сиёсат институти ташкил этилиб, МДҲ мамлакатларидаги ўтиш даври муаммолари, институционал тараққиёт, мазкур мамлакатлар иштирокида тузилган минтақавий ва халқаро ташкилотларни ўрганиш унинг фаолиятидаги йўналишлардан бири сифатида белгиланган эди.

Давра суҳбатида Бельгиянинг Вламс-Брабант ўлкаси жамоатчилик ва ишбилармон доиралари Бельгияда аккредитациядан ўтган қатор дипломатия ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари, ЛКУ профессор ва ўқитувчилари, талаба ва асперантлари—ҳаммаси бўлиб 200 нафардан зиёд иштирокчи қатнашди.

Тадбирни очар экан, Европа ва халқаро сиёсат институтининг марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари бўйича илмий директори, профессор К.Мальфлит Ўзбекистоннинг муҳим геосиёсий ҳамда геостратегик аҳамиятга эга эканини қайд этди. У мамлакатимиз тараққиётнинг ўзига хос йўлини босиб ўтгани ва ўтиш даврида жамиятдаги кескин силкинишлар олди олинганини таъкидлади. К.Мальфлит фикрича, жамиятни ислоҳ қилишнинг ўзбек моделини ўрганиш Бельгия илмий ва эксперт доиралари учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон элчиси В.Норов давра суҳбати иштирокчилари эътиборини Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига асосланган дунёвий демократик жамиятни барпо этиш борасидаги тажрибасига қаратди. Бунда мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида дуч келинган ва жамият ўз тараққиёт моделини танлашда муҳим аҳамият касб этган муаммоларга алоҳида тўхталди. Тадбир қатнашчиларининг замонавий Ўзбекистон ҳаётининг турли қирраларига доир саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Давра суҳбати доирасида юртимиз тарихи ва унинг бугунги кунига бағишланган «Буюк келажакка эга бўлган қўшни ўлка» номли фильм иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Бўлиб ўтган тадбир хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, ЛКУ ҳузуридаги Европа ижтимоий хавфсизлик масалалари институтининг профессори П.Шоукенс Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёнинг, балки Европа мамлакатларининг ҳам хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутишини, шунингдек, республикамизнинг Афғонистондан гиёванд моддалар тарқалишини бартараф этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлади.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА мухбири,
Брюссель

Умуммиллий дастур — амалда

ХАЛҚАРО «ТАЪЛИМ — 2006» КЎРГАЗМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА «ТАЪЛИМ-2006» МАВЗУИДА БИРИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ. У ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИКЛАРИ, ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан экани алоҳида таъкидланди. Таълим соҳасида изчиллик билан олиб борилаётган туб ислоҳотлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда унинг мантиқий давоми бўлган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бунинг яққол далилидир.

Кўргазмада мактаб ўқувчилари, бўлғуси абитуриентлар, ота- оналар юртимизнинг саксонга яқин олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, тегишли ишлаб чиқариш корхоналари, илмий марказлар фаолияти ва имкониятлари ҳақида атрофлича маълумот олишлари мумкин. Айни пайтда мазкур кўргазма билим даргоҳлари, илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни янада самарали йўлга қўйиш, фаолиятини мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Уч кун давом этадиган ушбу тадбирда нафақат юртимиз, балки кўплаб хорижий давлатларнинг олий ўқув юртлари, илмий-маърифий марказлари фаолияти ҳақида ҳам атрофлича маълумот олиш имкони бор.

— Мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олиши, касб- ҳунар эгаллаши учун барча шароит мавжуд,— дейди Собир Раҳимов тумани Енгил саноат касб-ҳунар коллежи директори Малоҳат Исматуллаева. — Бундай кўргазмалар орқали фарзандларимиз билим чўққиларини эгаллаш, касб танлашда ўзлари учун зарур барча маълумотларни олиш имкониятига эга бўладилар.

ЎзА





БИЗНЕС МАРКАЗ ҚАД РОСТЛАМОҚДА

ПОЙТАХТИМИЗ КЎРКИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ УСЛУБДА ҚАД РОСТЛАЁТГАН МУҲТАШАМ ИНШООТЛАРНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС.



Ана шундай салобатли иншоотлардан бири Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли Бизнес марказида айни кунларда қурилиш-тиклаш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Бизнес марказ 15 қаватдан иборат бўлади. Мустақиллик майдони билан ёнма-ён бунёд этилаётган ушбу бино кўриниши, пардозланиши, бугунги кун меъморчилиги талабларига тўла жавоб бериши билан шаҳримизга алоҳида чирой бахш этади. Бунёдкорлар бугунги учун лойиҳада кўзда тутилган барча ишларни сифатли бажаришмоқда, рақобатбардош ҳамда мустаҳкам қурилиш ашёларидан самарали фойдаланишмоқда.

—Ушбу бино қурилиши 2005 йил охирларида бошланган бўлиб, — дейди 4-қурилиш-монтаж бошқармаси бош муҳандиси Олег Филиппов,—ҳозирги кунгача бу ерда 14 миллиард сўмлик-дан зиёд бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шундан 3,5 миллиард сўми бошқармамиз ҳисобига тўғри келади. Албатта, бунёдкорларимиз ушбу масъулиятли қурилиш майдонида меҳнат қилар экан-лар, сифатига ва мустаҳкамлигига, вақтдан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Энг муҳими бино бунёдкорлигида унинг зилзилабардошлилигига эътибор берилмоқда, ёнғиннинг олдини олишда муҳим чоралар кўрилмоқда.

Бинонинг бир неча қаватида офислар жойлашади. Шунингдек, бинода кичик ва катта конференция зали ҳам ўзига хос тарзда қурилиб, жиҳозланишига эътибор қаратилади. Муҳташам иморат ичида жойлашган замонавий меҳмонхона ҳамда супермаркет, талаблар даражасидаги ресторан, тренажер зали ҳамда бошқа керакли хизмат хоналари ҳам фаолият кўрсатиши қувонарлидир.

Қад ростлаётган Бизнес маркази қурувчиларнинг ғайрат-шижоати эвазига Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: Бизнес марказ биноси қурилишидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ЭКОЛОГЛАР ЙИҒИЛИШИ

ТОБОРА ТАРАҚҚИЙ ЭТАЁТГАН БУГУНГИ ЗАМОНДА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШ, ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ, АТРОФ-МУҲИТГА ЎТКАЗИЛАЁТГАН САЛБИЙ ТАЪСИРЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРДАНДИР.

Бу борада аҳоли экологик маданиятини юксалтириш, улғайиб келаётган авлодни она табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. БМТнинг тегишли тузилмалари ушбу йўналишда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида кенг кўламли ишларни амалга ошираётир. Барқарор ривожланиш учун таълим дастури ана шу йўналишдаги ишлар сирасига киради.

Мамлакатимизда халқаро ҳамжамиятнинг экологик барқарорликни таъминлаш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, сув, ҳаво, тупроқ мусаффолигини асраш, биохилмахилликни муҳофазалаш, ишлаб чиқаришнинг инсон саломатлиги ва табиат софлигига салбий таъсирини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Минтақавий экологик марказнинг юртимиздаги ваколатхонаси ташаббуси билан ташкил этилган экологик таълимни ривожлантириш ва барқарор ривожланишга эришишни таъминлашга йўналтирилган мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳам ана шу мақсад йўлида фаол иш олиб бораётир. Унинг таркибида тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар бор.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида мазкур мувофиқлаштирувчи комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.Унда олимлар, мутахассислар, ёш тадқиқотчилар билан бир қаторда япониялик соҳа ходимлари ҳам иштирок этди.

Экологик барқарорликни таъминлаш нафақат табиатни муҳофазалаш идоралари, балки кенг жамоатчилик, таълим муассасалари мутахассислари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклаётир, деб таъкидланди тадбирда. Қарийб бир йилдан буён иш юритаётган экологик таълимни ривожлантириш ва бу борадаги саъй-ҳаракатларни барқарор ривожланиш мақсадларига йўналтириш бўйича мувофиқлаштирувчи комиссия ташкил этилиши бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Йиғилишда ушбу йўналишда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш, таълим муассасалари учун янги услубий қўлланмалар яратиш ва бу борадаги жаҳон тажрибаси хусусида фикр алмашилди.

ЎзА

Ўз-ўзи ўрганиш доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Сабр била топқасен охир мурод,
Ғам еган одам бўлур, албатта шод.
ДУРБЕК

Қаноатли киши оч ва яланғоч бўлса ҳам бойдир. Доно бўлса ҳам амирдур.
«МАҲЗАН ал-улум»

Агар дунёда энг яхши лаззат мавжуд бўлса, у ҳам қаноат лаззатидир. Қаноатли киши роҳатда яшаши билан бирга бошқа кишиларга ҳам яхши муомалада бўлади, уларни ҳам ўзи каби шодлик сари етаклайди. Бошқалар ҳам қаноатли кишини ҳурмат қилади.
Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР

Сабр била банда топар коми дил,
Коми дил истар эсанг, ўш сабр қил.
ДУРБЕК

Улуғ кишиларнинг ёқимли хислатларидан бири қаноатдир. Қаноатли киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Аксинча кишида қаноат бўлмаса топган-тутганига сабр қилмай, кўпига интилса оқибат хорлик тортади. Шунинг учун ҳам шоирлар дейдилар:

Бўлса агар суву парча қотган нон,
Ўзга косасига кўз тикма инсон.
Бўлсанг агар тожу тахт учун муҳтож,
Заминни тахт деб бил ва куёшни тож.
«МАХЗАН ал-улум»

Топар кимса сабр
айламакликдин муфид,
Эрур сабр хурсандликка калид.
ХИРОМИЙ

Азизим, ҳар ким қаноат бойлигига эга бўлса кимсага ялинмайди. Ҳар ким хирс балосига мубтало бўлса, унинг ҳаёти доимо озор ичидадир.
Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

ҲИКМАТ. Қаноат меваси — роҳат, камтарлик меваси — муҳаббат. Байт:

Қаноат айлагин, эй ҳушёр киши,
Қаноат роҳатдан беради нишон!
Мажидиддин ХАВОФИЙ

Қаноатли кишининг ҳамиша қорни тўқ
«ОТАЛАР сўзи»

Кеча-кундуз тилайдурман
Ҳудойимдан саодатни,
Ки даф айлаб таъма ўтин
ўзи бергай қаноатни.
САЙЁДИЙ

Қаноатнинг яна бир кўриниши ейиш-ичишда билинади. Озгина овқат ейишга қаноат қилган киши кам касал бўлади. Байт:

Кўп ема гўрдаги қуртлар мисоли,
Оз ерга бел боғла гўё чумоли,
Бир табиб бир куни бир ажиб ҳикмат,
Эл учун айтганмиш қилиб марҳамат:
«Егин, ичгин доим кўнгул тортгунча,
Нафақат бўғзингдан тошиб ортгунча!»
«МАХЗАН ал-улум»

Сўрадилар: «Қаноат нима?» Айтди: «Бировларнинг қўлидаги нарсани кўриб маъюс бўлмаслик. Таъмагирликдан қочиш, чунки таъмагирлик албатта камбағаллик сари етаклайди!»
Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Мен деб эдим атайин сабр маконин,
Нодон элким, айлади вайрон қаноат.
УВАЙСИЙ

Хомтаъма одами одам дагул,
Ақлу басорат била ҳамдам дагул.
Саид ҚОСИМИЙ

Киши учун энг фойдали дилни ёритувчи нарса қаноатдир. Энг зарарли ва нафратли нарса ҳирс ва ғазабдир.
«ЖОВИДОНИ хирад»

Сабр-бардош — Оллоҳдан, шошқалоқлик шайтондан.
ҲАДИС

Ҳар кимса борига қаноат қилса,
Ажабланма, тушмас бировга иши.
Юрагида кимни таъма бўлмаса,
Ҳеч кимсадан бўлмас
қўрқув, ташвиши!
Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Сабр шундай бир кучли нарсадирки, ғазабни шижоатга, шиддатни ҳалимга, катталикни тавозеъга, ёмонликни яхшиликка айлантирмасликка қуввати етар.
Абдулла АВЛОНИЙ

Оз овқатга қаноат қилмоқнинг фазилатларидан бири шундаки, одамнинг илм ва ҳунарга бўлган интилишида дангасалик ва ҳафсаласизлик қопламайди, ошқозон овқатни ҳазм қилишдан ожиз бўлмайди, кишининг сезги аъзоларининг сезувчанлиги бузилмайди.

Байт:

Сув гарчи бўлса-да ширину зилол,
Ортиқча ичилса келтирар малол
Тароқни кўрдингми минг тиши бордир,
Ҳар сочга чанг солиб доимо хордир.
«МАҲЗАН ал-улум»

ҲИКОЯТ

Ўқигандим, икки зийрак бир юртда,
Бир чашма қошига келган вақтда.
Бири оз ичишдан ўлди ногаҳон,
Бири кўп ичишдан таслим қилди жон.
Еб-ичиш йўлини билмайин қандай,
Очлигу тўқликдан ўлдилар шундай.
Қутулай десанг гар тезда ўлмоқдан,
Қорнингни шиширма ортиқ емоқдан.
Низомий ГАНЖАВИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

ЯҚИНДА РЕСПУБЛИКА РАССОМЧИЛИК КОЛЛЕЖИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ, ТАНИҚЛИ РАССОМ ОРТИҚАЛИ ҚОЗОҚОВ БИЛАН ИЖОДИЙ УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Санъат

УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

Кечани коллеж директори Ҳасан Набиев кириш сўзи билан очиб, Ортиқали Қозоқов ижоди ҳақида ҳамда рассомнинг шу табаррук даргоҳда ўқиб кетган истеъдодли шогирдлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбирда Ортиқали Қозоқов ўзининг ижоди тўғрисида талабаларга сўзлаб, жумладан шундай деди: «Рассом бу олдинда юрувчи шахс, у нафақат ранг-тасвирни, балки мусиқани, геометрияни, адабиётни, тарихни, жонажон она тилини ва имкони бўлса хориж тилларини яхши билиш керакдир. Мен ҳар бир яратган асаримни ўзимнинг фарзандимдек ҳис этаман. Ота-она ўз боласига қандай меҳр кўрини берса, мен яратилажак асаримга шундай меҳр бераман. Юрагимнинг бир бўлаги бўлган асарларим бутун дунё юзини кўриб, қайсидир маданият саройи пештоқларини безаб турибди. Мен бу асарларимни қўмсайман. Яна бир бор кўришни истайман. Имкони бўлса, уларни кўриб юрагим қувонса дейман. Мен бундан фахрланаман».

Ортиқали Қозоқов нафақат истеъдодли рассом, балки сўз устаси эканлигини намоён этди. Ёш ижодкорларни қизиқтирган саволларга чиройли, бўёқдор, дилдан, юракдан чиққан сўзлар билан жавоб бердики, ёш рассомларни ижодининг серқирра пиллапоясига олиб чиққандек бўлди.

Учрашувда «Ниҳол» мукофоти совриндори, хонанда Аброр Парпиев ўз қўшиқларидан ижро этиб кечага янада файз киритди.

Тадбир сўнгида рассом ўз мухлисларининг энг яхши саволлари учун эсдалик совғаларини топширди. Бу ижодий учрашув ўқувчилар хотирасида ўчмас из қолдирди.

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА

Танловлар

ИСТЕЪДОДЛАР АНИҚЛАНДИ

КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ ИСТЕЪДОДЛИ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ГАВЖУМ БЎЛДИ. БУ МУҲТАШАМ КОШОНА САҲНАСИДА ВАТАН ҲАҚИДАГИ МУҲАББАТ, САДОҚАТ ТУЙҒУЛАРИ БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН ҚЎШИҚЛАРНИ БОЛАЖОНЛАР ЮРАКДАН ЖЎШИБ ИЖРО ЭТИШДИ.

«Ўзбекистон — Ватаним манам» қўшиқ байрамининг дастурида 191,242,249-мактаблар хор жамоалари, 29-мактаб мақомчи қизлар ансамбли, 16-мактаб дуторчи қизлари юксак маҳорат эгаси эканликларини намойиш этишди.

— Бир неча йиллардан бери қўшиқ байрамида Собир Раҳимов тумани ўқувчилари 1-ўринни эгаллаб келишмоқда,—дейди ҳайъат раиси, таниқли «Булбулча» ашула ва рақс дастаси раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шермат Ёрматов.— Бугунги байрамда ҳам 2000 нафардан ортиқ болажонлар иштирок этгани катта аҳамиятга эга бўлди. Итальян, рус, ҳинд, уйғур ҳамда миллий рақс ва қўшиқлар гулдастаси 102,106-мактаб интернат ўқувчиларининг ижросида барчага манзур бўлди.

Қўшиқ байрамида 22-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ситора Азизованинг ижроси юқори баҳоланди ва у Чирчиқда ўтказиладиган танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи

ГЎШАКДАГИ БЕГОНА ОВОЗ

Даврада тўрт киши ўтирардик. Гап узоғимизни яқин қиладиган беминнат дастёр телефон ҳақида борарди. Шунда дўстларимиздан бири:

— Тавба, ўғриликнинг барча турларини эшитгандиму, лекин телефон ўғрисини эшитмагандим, — деб қолди.

Ҳаммамиз ҳайрон бўлиб унга тикилдик.

—Яна ҳам тўғрироғи телефон рақами ўғриси. Ишонмайсизларми? Бўлмаса эшитинглар. Бир ойлар чамаси бўлдики, телефонимиз ғалати одат чиқарди. Ундан кимдир рақам тераётганлиги эшитилади. Бу ҳол тез-тез такрорланиб тургандан кейин асабимиз қўзиб гўшакни кўтарамиз. Гўшакдан нотаниш овозлар эшитилади. Балки ўзга рақамлар адашиб тушиб қолгандур, дея гўшакни жойига қўямиз.

Тунов куни бир соат ичида 2-3 бор такрорланди бу ҳолат.

— Нима бало, адашганлар нуқул бизнинг рақамимизга тўғри келиб қоладими, —десам, аёлим:

— Ҳар нарсага бўғилаверасизми? Ҳозирги телефонларни билаамалиятда синаб кўрмоқчи бўлгандир. Балки ўзингиз ҳам ёрдам берарсиз, — деди.

— Ахир бир йиллик тўловни олдиндан тўлаб қўйган бўлсак, яна қанақа қарзимиз бўлиши мумкин.

— Билмасам, — елка қисди аёлим.

Эртасига телефон станциясига бордим. Навбатчи қизга рақамни айтиб, сўраб-суриштирсам у телефонда ортиқча гаплашганимиз учун қўшимча 2 минг сўм қарз бўлиб қолганлигимизни айтди.

Табиийки, мен тўловдан бош тортдим. Ўзимнинг ҳақлигимни исботламоқчи бўлдим. Уларнинг айби билан бизнинг телефон рақамимиздан ўзгалар фойдаланаётганлигини айтдим.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, — деди у қатъий қилиб. — Балки қўшниларингиздан бирортаси ўзбошимчалик қилиб сизнинг симингизга уланиб олгандир.

Асабий уйга қайтдим. Куним кечгача телефон ўғрисини пойлаш билан ўтди. Кечки пайт яна телефон қитирлаб қолди. Индамай, гўшакни кўтардим. Яна муҳаббат изҳори. Диққат билан эшитиб турсам йигитнинг овози танишдек туюлди. Имлаб ўғлимни чақирдим. Гўшакдаги овозни эшита туриб у:

— Бу қўшнимиз Ҳалимнинг овозику, — деб қолди.

Кейин билсак қўшнимизнинг бўйига етган ўғли ўғринча бизнинг телефонга уланиб олган экан. Эртасига у қилмиши учун узр сўрашга сўрадику-я, лекин бу орада бизнинг асабимиз қанча қайралди.

Ҳамроҳимизнинг куйиниб айтган гапини ўрамай-бежамай сизларга етказдик, азизлар. Балки бу ҳол гоҳ-гоҳида учраб турадиган шундай ўғирликни содир этувчиларга ибрат бўлармикан дедик.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

сизку, кўпинча бир рақамни терсанг бошқасига тушиб қоласан, — деб мени юпатмоқчи бўлади.

Унинг тасаллиси билан бироз тинчлангандек бўламан. Кўп ўтмай, яна телефон аппаратидан шақир-шуқур овозлар эшитилади. Бу сафар даст гўшакни кўтардим. Унда бир йигит билан ёшгина қиз бемалол бир-бирига муҳаббат изҳор қилиб туришарди. Бировнинг сўзини эшитиш одобсизлик, дарҳол гўшакни жойига қўйдим.

Орадан бир соат ўтиб кимгадир қўнғироқ қилмоқчи бўлиб рақам тераман десам ҳали ҳам ўша йигит билан қизнинг суҳбати тугамабди. Жаҳл билан «Бас қилларинг» дея бақириб юборибман. Шундан сўнг иккала томон гўшакни жойига қўйди. Қайта рақам териб керакли жой билан гаплашдик.

Эндигина аппарат тинчиган эди, яна ундан қитир-қитир овоз эшитила бошлади. Беихтиёр гўшакни қўлга олсам ўша муҳаббат шайдолари келган жойидан гапни давом эттиришяпти.

— Йўқ, — дейман асабийлашиб. —Бизнинг телефон рақамимизга яна кимларнидир улаб беришган. Бўлмаса, бунақа ҳолат юз бермасди.

Эртасига ишдан келсам аёлим зудлик билан туманлараро телефон станциясига учрашишим кераклигини айтди.

— Нега, нимага? — сўрайман ундан.

— У ердан қўнғироқ қилишди. Қарзимиз бор эмиш. Тўлашимиз керакмиш.

ҚИССАДАН ҲИССА ЎЗИНГИЗГА ҲАВОЛА

Дунёда энг ёмони гиёвандлик. Унинг домига тушиб қолишдан асрасин. Яқинда рўй берган бир ҳодиса гиёвандлик бора-бора инсонни ўз домига тортиб, уни бутунлай кишанлаб олишига яна бир бор иқрор қилди бизни. Унинг бало-қазодек ёпирилган иллатидан бир оила барбод бўлди.

Содиқжон билан Севара бир-бирини севиб оила қуришганди. Уларни кўрган кишининг ҳаваси келарди. Негаки, бу икки ёш чирою одобда бир-биридан қолишмасди, бир институтда ўқишарди. Илмга чанқоқлик туфайли талабалик йиллари тугагач улар шу институтда қолишди, аспирантурага кириб ўқишни давом эттиришди.

Йиллар ўтди. Биринчи бўлиб Севара илмий даражали бўлди. Содиқжон ҳам илмий ишини тугатган, бугун-эрта қувончли кунни бошидан кечириш арафасида турарди. Бироқ, шундай кунларнинг бирида отаси тўсатдан вафот этди. Бу ҳам етмагандек унинг икки ёшли ўғилчаси машина тагида қолиб фожеали ҳалок бўлди. Шундан кейин Содиқжон ўзига келмай юрди. Сабабсиз ишга келмайдиган одат чиқарди. Домласи бир-икки бор тасалли берган бўлиб, ҳимояни тезлатишга ундади. Содиқжон ҳозир кўнглига ҳеч нарса сиғмаслигини айтиб, ивирсиб юраверди. Бўш вақтларини уйи олдидаги пивохонада ўтказадиган бўлди.

Олдинига Севара бунга эътибор бермади. Чунки биринчи фарзанди — ширингина ўғилчасининг қайғуси унинг дили тубидан кетиб улгурмаганди. Кунлар ўтган сари Содиқжоннинг беўхшов улфатлари кўпайди. Бемаврид уларни тез-тез уйига бошлаб келадиган бўлди. Шундай кезларда ичкиликбозлик тонггача давом этар, Севара «меҳмонлар»га хизмат қилиб чарчарди. Улфатчиликдан кейин узоқ вақт диққинафас ва қўланса ҳид аримай қолган уйини ўқчий-ўқчий тартибга келтирарди.

Бу ҳид нашанинг ҳиди эканлигини аёл кейинроқ тушунди. Тушунди-ю, бутун дунёси қоронғу бўлди. У турмуш йўлдошидан ҳар нарсани кутса-кутгандики, бунақа нодонликка боради, деб ўйламаганди. Мана шуни ўйлаб Севара тонггача ухлай олмади. Содиқжонга бу ҳақда ётиғи билан тушунтирди. Лекин бу гап эрига ёқмади шекилли, унга зардали қараб қўйди-да, индамай кўчага чиқиб кетди.

Аёл икки ўт ўртасида ёнарди. Кечқурун эри билан хонадонига кириб келган улфатларига бу сафар қиё боқмади, дастурхон ёзмади.Содиқжон ҳовлига чиқиб, хотинига бир-икки ишора қилди. Лекин Севара бепарво юраверди. Ҳар гал баҳоли кудрат дастурхон ёзиладиган хонадондаги бу одатни кўриб улфатлари пичинг қила-қила уйларига тарқалишди. Дўстлар маломати Содиқжонга оғир botди. Ғандираклаб хотини ётган уйга кирди.

— Ҳов, менга қара. Кимман ўзи сенга? Эрманми ёки...

Содиқжон тўсатдан хотинини тепиб юборди. Севара алам устида бир нарса деди. Шундан кейин эр баттар оёғига эрк берди. Севара аранг ўрнидан туриб қочишга улгурди. Содиқжон стол устида турган пичоқни олиб, унинг орқасидан югурди. Хайриятки, мастлик кучлилик қилиб, ҳовли остонасига қоқилиб йиқилди. Билмадик, балки бу жанжалнинг охири ҳам фожеа билан тугармиди?

Эртасига у кўзини очиб ўзини милиция хонасида кўрди. Севара эса зудлик билан шифохонага ётқизилди.

Қиссадан ҳисса чиқариш ҳар кимнинг ўз ҳукмига ҳавола.

Футбол

МАҒЛУБИЯТГА ТЕНГ ДУРАНГ

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИГА ЙИҒИЛГАН МИНГЛАБ МУХЛИСЛАР ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ «А» ГУРУҲИНИНГ «ПАХТАКОР» — «АЛ-ҚОДИСИЯ» ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ БАҲСИНИ ТОМОША ҚИЛИШДИ.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу гурухда 10 очко жамғарган «Қувайтнинг «Ал-Қодисия» жамоаси «Пахтакор»ни бир очко ортда қолдириб пешқадамлик қилаётган эди. Шу боис ҳам тошкентликларга ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди. Аммо, миллий чемпионат баҳсида жиддий жароҳат олган моҳир дарвозабонимиз Нестеровнинг майдонда ҳаракатлана олмаётганлиги, ҳимоячиларимизнинг қўпол хатолари туфайли учрашувнинг 7-дақиқасидаёқ Ҳусайн Али «Пахтакор» дарвозасига биринчи голни киритишга муваффақ бўлди. Орадан 7 дақиқа ўтар-ўтмай Ринат Байрамов томонидан меҳмонлар дарвозасига жавоб тўпи киритилган бўлсада, пахтакорчилар учрашувнинг иккинчи бўлим бошида яна ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди. Гол муаллифи Али Мутайри бўлди. Шундан сўнг пахтакорчилар деярли рақиблари дарвозасига тинимсиз ҳужум уюштирган бўлишсада учрашув якунланишига саноқли сониялар қолганда Солиев жамоадошлари бошлаб берган ҳужумни самарали якунлаб ҳисобни тенглаштирди. Бироқ бу тошкентликларга фойда бермади. Тошкентдаги мағлубиятга тенг дуранг натижа туфайли кейинги босқичга йўлланмани «Ал-Қодисия» жамоаси қўлга киритди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



«БАХТ ЮЛДУЗИМ»

Ҳажвия

Бир ошнам бор, ҳавойироқ одам. Ўтган йили икки қаватли иморат қурдирган. Ҳали бориб кўрганим йўқ. Ошнам ҳар кўрганда «Янги ҳовлига бораям демайсан-а, оғайни деган шунақа бўладими», деб гина қилгани-қилган. Кеча яна ўша ошнамни кўриб қолдим, кўярда-кўймай уйига сургаб кетди.

Уй-жойларини кўриб оғзим очилиб қолди. Ана иморату мана иморат. Бу ҳовли эмас, қаср эди. Ошнам ҳамма хоналарни бирма-бир кўрсатиб чиқди. Охири дастурхон ясоғлиқ хонага кирдик. Дастурхонда балиқ тухумидан тортиб, қази-қартагача бор, кетма-кет май қуйди. Анча қизишиб, сўнг қизини мақташга тушиб кетди.

— Хумора қизимнинг қадами қутлуғ келди... Шу десанг... Хуморанинг катта тоғаси шаҳарнинг устунларидан бири, билсанг агар...Гуммадан фойда кўп, шаҳарнинг гавжум жойидан гуммахона очиб берди... Гумма-гумма эмас, жарақ-жарақ сумма экан... Қизимнинг қадами қутлуғ... Май ичсанг доно билан ич, ёки бир гул юзли зебо билан ич... Қизим зебо, қизим доно...

Шу пайт хонага пардоз-андозни роса жойига қўйган, маликалардек ясанган Хумора салом бериб кирди.

— Мана бахт юлдузим, мана қоши қундузим,—деди ошнам қизини эркалиб.— Амакиси кўриб қўй, шундоқ қизим бор, сенда ўғил бор... Бу қаерга тушса ўша хонадоннинг бошига бахт қуши қўнади... Мол-дунё... Бу бахт, ҳузур-ҳаловат, роҳат-фароғат... Хумора — қувончим... Сен бунинг овозини эшитмагансан, бу дунёга келмагансан. Хумора амакингга бир хониш қилиб бер, қизим.

— Дадажон, клипимни қўйиб бера қолай, — деди Хумора.

— Ақлингдан айланай қизим, қўй, қўяқол!

...Телевизор экранида Хуморага шилқимлик қилиб турган йигит тасвири кўринди. Қиз ундан қочиб қутулмоқчи бўларди. Лекин у қаерга бормасин йигит Хуморанинг йўлини тўсиб, қизга гул беришга уринар, Хумора: «Тўсма йўлимни, ушлама қўлимни, гулинг олмайман, сен-ла қолмайман», деган тутуруқсиз «гап»ни ўн мартта такрорлаб, «қўшиқ» ни тамомлади.

Хумора ғурурланганнамо бир отасига, бир менга қараб қўйди.

— Амакиси, қўшиғи зўр чиққан-а?

Ошнамнинг кўнгли учун «ҳа» деб қўяқолдим. Бошқа нима ҳам дердим.

— Бахт юлдузимдан айланай, овози булбулимдан ўргилай,—деб қизини эркалаб пешонасидан ўпди ошнам.

— Аду,— деди Хумора тантиқланиб.

—Хўш, асалим...

—Энди менюни эшитинг...жигар кабоб, димлама каклик, чарви дўлма. Ҳаммаси ҳам овқатларнинг додахўжаси... Лекин энди ичманг, маст бўлиб қолсангиз аямлардан ўласиз, боғлаб қўямиз...

Хумора шундай деб кулиб, ҳиринглаб чиқиб кетди. Ошнам хохолаб кулиб қолди.

—Оббо қизим тушмагурей... Қизиқчиликка ҳам уста. Худо унга ҳар томондан берган.

Орадан кўп вақт ўтмай хонага саккиз-тўққиз яшар бола югуриб кирди.

— Ада-ада,—деди у ҳовликиб.

— Нима дейсан?

— Қани беш юзни чўзинг... Бахт юлдузингиз яна попирис чекаяпти...

— Нима-нима? Ҳей бола, қанақа пул? Нималар деб алжираяпсан?

— Қизингиз чекаяпти.

—Овозингни ўчир! Ёлғончи!

— Алдасам Худо урсин, рост. Ўзингиз опангнинг чекканини кўрсанг, дарров менга айт. Ҳар бир хабарингга беш юз сўмдан бераман дегансиз.

— Вой ёлғончи, аҳмоқ...

— Ўзингиз алдоқчисиз... Бераман деб бермаяпсиз...

— Б ор, кўзимга кўринма!

Ошнам оғир аҳволга тушиб қолди. Жаҳлини кулиб енгмоқчи бўлиб хохолаб кулди.

— Супра қоқдим жуда қув чиқадиганга ўхшаб қолди, оғайни,—деди у.— Бошқа вақтда бунақа қилиғи йўқ. Меҳмон келди дегунча талтайиб кетади. Бола-да. Ҳозир бунинг кар ва кўр бўлган вақти, қулоғига ҳеч гап кирмайди. Ёлғонни худди ростдай қилиб гапиради. Тўқиган ёлғонларини эшитиб, қотиб-қотиб куламан. Ҳалиги Ғафур Ғуломнинг «Шум бола»си борку худди ўшанинг ўзи.

Туроб АКБАРХЎЖАЕВ

БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДАГИ ГАПЛАР

Бели хипча, қиз боламан,
Хотинингни қўйдирвориб тегволаман.

(Бир отарчининг тўйдаги хонишидан)

Асалга чўмилган,
Шакарга кўмилган,
Кукурузга кеб қолинг...

(Сотувчининг хитоби)

Каллангни сотсанг-чи, каллангни.

(Гўшт бозоридаги қассобнинг гапи)

Бу китобчани қўлига олган одам ўзига бир нима юқтиради.

(Ички тақриздан)

Менга кесатиб гапирманг, мен кесатганни тушунмайман.

(Жиззакининг луқмаси)

Тўп ҳужумчига қулоқ солмади.

(Футбол шарҳидан)

Билети борлар олдинги эшикдан тушсин.

(Ҳайдовчининг гапи)

Орифнинг орқаси очилмас экан.

(Ҳайдовчиларнинг ўзаро гапи)

Ҳозирда «Пахтакор» футболчилари ўз ўйинларини қидирмоқдалар.

(Футбол шарҳидан)

Телефон асабий жиринглади.

(Бир лавҳадан)

Дарвозабон тўпни қайтаришга улгурди, акс ҳолда зарб билан тепилган тўп дарвозага кириб кетаётган эди.

(Футбол шарҳидан)

Ҳабиб РАҲМАТ

ИЗН БЕРИНГ

Ҳажвий шеър

Майса каби болиш бўлай бошингизга,
Қошиқ бўлай ичаётган ошингизга,
Сиз ҳам мундоқ дил қулфингиз очингиз-да,
Изн беринг.
Қулоғингиз осилган балдоқ бўлгум,
Нигоҳингиз отган ўққа садоқ бўлгум,
Кўксингизга босган гулга япроқ бўлгум,
Изн беринг.
Дунёларни тўкиб ташлай пойингизга,
Ё айланай тунги посбон ойингизга,
Исмим ўяй кўнгил деган жойингизга,
Изн беринг.
Ун бармоққа тақиб қўяй ўнта узук,
Олдингиздан ўтсин мингта кўзи сузук,
Ёнингизда бўлай ўзим вафоли, ёр
Изн беринг.
Хоҳланг «Дамас», «Нексия»ми ёки «Матиз»,
«Жип» бўлайми, туя бўлиб чўкайми тиз,
Бир орзуим дилингизда қолдирай из,
Изн беринг.
Бўйнингизга маржон илай шода-шода,
Парво қилманг, ғанимларим қолди доғда,
Ваъда қанча керак, бергум қопи билан,
Изн беринг, изн беринг тўй ўтгунча

Элдор АКРОМОВ

Лофлар

ОСМОНГА ЧИҚАРИБМАН-А

Афанди кечаси ҳовуздан сув олмоқчи бўлибди, қараса ҳовуз тагида Ой турганмиш. Ойни олай деб, узун ёғочга ўроқни боғлабди. Ёғочни ойга қараб ташлабди. У роса тортибди Ой чиқмабди. Афанди зарб билан ҳовузга ағдарилиб тушибди. Ҳовузда туриб осмонга қараса Ой турган эмиш.

—Худога шукр, Ойни осмонга чиқардим-а, дермиш ўзигаўзи.

КИТ БАЛИҒИГА ЭГАР-ЖАБДУҚ

Бир лофчи иккинчи лофчига: Жўра, кит балиғини билмасанг керак-а? 150 тонналик кит бир нафас олганда қирқ литр сув ютар экан. Ҳинд океанида чўмилатуриб, китнинг нафасига тўғри келиб қолибман. Бўйин тешигини ёриб чиқиб кетиб, зўрға қутулдим.

Шунда Жўра: —Мени кўрмаган экансан-да. Ўшандай китга эгар-жабдуқ қилиб миниб юрувдим. Эссиз, ҳеч бўлмаса нўхтасини бериб қўярдим, сенга.

ГУРУЧ ЮКЛАНГАН ХЎРОЗ

Андижонлик бир лофчи қўқонлик лофчини мот қилмоқчи бўлибди ва атайлаб Қўқонга келиб дўстининг эшигини қоқса, лофчининг қизи чиқибди. «Дадангиз қани», деб сўраса «Икки қоп гуручни даканг хўрозга юклаб, хўрозларини ҳайдаб, Хўжандга кетган эдилар», дермиш.

Қизидан шунақа гап эшитсам, ўзидан Худо асрасин, дея жўнаб қолган экан.

ГИЛАМГА ЯМОҚ

Бир лофчи иккинчи лофчининг уйига келиб: — Сизга бир гиламни совға қилиб келтирдим, қаранг унинг бир учи бу ерда бўлса, иккинчи учи Самарқандда турибди,— дебди.

Иккинчи лофчи дарҳол унга жавоб берибди: —Раҳмат, яхши қилибсан, меҳмонхонадаги гиламнинг озгина ерига ўт тушиб куйган эди. Сен совға қилган гиламни ўшанга ямоқ қиламан.

ШУ ҲАМ ҚОР БЎЛИБДИМИ?

Бир лофчи иккинчи лофчини бопламоқчи бўлди:

— Қишлоғимизда шундай қалин қор ёғдики, товуқларимиз тепасига чиқишиб юлдуз териб ейишди,— деди. Бошқаси унга қараб: Шу ҳам қор бўлибдими? Бизнинг қишлоғимизда унақасини қиров дейдилар, дермиш.

Абдулла ТОЛИПОВ

Мунажжим башорати

20 МАЙ, ШАНБА

МУНАЖЖИМЛАР, БУГУНГИ ЭНГ ЯХШИ МАШҒУЛОТ – БУ ЯХШИЛАБ ДАМ ОЛИШ, ДЕЯ ТАЪКИДЛАШГАН.

Маданий тадбирлар, қарашлари ва манфаатлари жиҳатидан ўзаро яқин кишиларнинг учрашувлари, кино, театр ва умуман кўнгилга осойишталик ҳамда хотиржамлик бағишлайдиган, киши ички дунёсини бойитадиган ҳамма нарсалар билан банд бўлиш мумкин.

Бу кеча кўп туш кўришингиз хато йўлдан бораётганингиз ҳамда ечимини кутаётган муаммоларингиз кўплигини билдиради.

Бошингиз, кўзларингиз, бадан терилари ва пешоб йўлларингиз бугун заиф ҳолатда бўлади. Бугун ҳар қандай жарроҳлик операциялари ман этилади. Тишларни даволатиш ва олдириш ҳам мумкин эмас.

21 МАЙ, ЯКШАНБА

ҲЕЧ ҚАНДАЙ ҒАЙРИТАБИИЙ ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАР СОДИР БЎЛМАСА-ДА, ЎЗИМИЗ ВА АТРОФИМИЗДАГИ ЯҚИНЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИГА, РУҲИЙ ҲОЛАТИГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИШИМИЗ КЕРАК.

Мунажжимларимиз тавсифларига кўра, бугун қурилиш ва таъмирлаш ишларини бошлаш, бошқа жойга кўчиб ўтиш ёки саёҳатларга йўл олиш хайрли ҳисобланади. Иложи бўлса, бугунги кунни шаҳар ташқарисида, табиат қўйнида ўтказишга ҳаракат қилинг.

Бу кеча умуман туш кўрмаганингиз маъқул. Фақат тушда сувни ёки ёмғирда ивиб кетганингизни кўриш яхшилик аломати ҳисобланади.

Кўзларингиз ва бош миянгизни эҳтиёт қилинг. Стоматолог ҳузурига ташрифни бошқа вақтга қолдиринг.

22 МАЙ, ДУШАНБА

ТАҲДИД СОЛАДИГАН ҲЕЧ ҚАНДАЙ ВОҚЕА-ҲОДИСА ЮЗ БЕРМАЙДИ. ЛЕКИН БУГУНГИ ВАЗИЯТЛАРНИНГ БАРЧАСИ ТАҚДИРГА АЛОҚАДОР БЎЛИШИ, КЕЛАЖАГИНГИЗГА АЛБАТТА ТАЪСИР КЎРСАТИШИ КУТИЛАДИ.

Бугун ўз фикр-хаёлларингизни назорат қила билишингиз, ички туйғуларингизга қулоқ тутишингиз, тақдир аломатларига эътиборли бўлиш талаб этилади. Ҳар қандай салбий эҳтиростлардан, жаҳолатдан ўзингизни тийинг, ҳасад ва ғамгинликдан ўзингизни олиб қочинг, оққўнгил ва меҳрибон бўлишга интилинг.

Қулоқлар, томоғингиз ва қалқонсимон безларни эҳтиёт қилинг. Суюқликни кўп истеъмол қилманг, оғир ва дағал таомлардан ўзингизни тортинг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
28 АПРЕЛДАН БОШЛАБ
ТОШКЕНТДА ИЛК БОР
«ИНТЕР-ЦИРК» ТОМОШАЛАРИ
ФАҚАТ 20 КУН
«ИНТЕР-ЦИРК» ДАСТУРИДАН

Россия, Хитой, Қирғизистон, Украина, Молдова, Мўғулистон, Ўзбекистон пойтахтлари цирклари артистларининг чиқишлари ўрин олган.

Томошалар иш кунлари соат 18.00, шанба ва якшанбада 12.00 ва 16.00да бошланади.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-32-23, 144-35-91, 144-35-94.
Кассалар соат 9.00 дан ишлайди.

Марказдан квартира сотиб оламан. 128-62-48

Қисқа вақтга квартира топшираман. Телефонлар: 127-62-48, 128-62-48.

«Сағбон» подстанциясида профилактика ишлари олиб борилиши муносабати билан Собир Раҳимов туманининг Қорақамиш, Тансиқбоев, Мойқўрғон, Бешқўрғон мавзелари ҳамда Генерал Гофуров ва Дадабоева кўчалари бўйлаб 2006 йил 21 май куни соат **14.00**дан **17.00**гача электр қуввати бўлмайди.

«Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти вақтинча ноқулайликлар учун узр сўрайди.

«Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» АЖ маъмурияти

ТВ | YOSHLAR Telekanali | TOSHKENT TV | SPORT | 30 КАДР | 1 | РОССИЯ Телеканал

ДУШАНБА, 22

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.45, 10.50, 11.10, 12.55, 14.15, 17.10, 17.40, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.50, 13.55, 17.15 Олтин мерос.
9.00 «Олам ва одам» дастури: «Фридерик Шопен».
9.50 «Камалак» экрани.
10.40 «Рақслар жилоси».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 «Омон бўлинг!».
11.20 «O`zbektelefilm» намойиши: «Қуёшли ўлкам».
11.30 «Одами эрсанг».
11.50, 13.00 У. Азим. «Алпомишнинг қайтиши». Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрининг спектакли.
14.20 «Олтин бешик».
14.55 «Гаровдаги муҳаббат». Бадиий фильм.
16.40 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.25 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.45 «Умр дафтари». М. Уйғур. 1-қисм.
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Мехробдан чаён». Видеофильм. 6-қисм.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.40 «Бир ўлка-ки».
22.00 «Йигит кўнгли». Телесериал премьераси.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Японияннинг ёввойи табиати».

«Ёшлар»

16.00, 19.00, 22.00 Давр.
16.10, 17.15, 18.05, 19.35, 21.40 Анонслар.
16.15 «Янги авлод» шоуси.
16.30 Шум болалар.
16.40, 18.00 SMS-кинотанлов.
16.45 Ёшлар овози.
17.00 Олий лига кундалиги.
17.20, 21.45, 22.35 Кино SMS.
17.25 «Сени излаб». Бадиий фильм.
18.10 Қизил худуд.
18.25 UzEX хабарлари (инглиз тилида).
18.35 Ёшлик наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.40 CINEMANIYA.
20.00 Спорт-лото.
20.10 UzEX хабарлари.
20.20 Ракурс.
20.35, 21.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.45 UzEX хабарлари (рус тилида)
20.55 Эълонлар.
21.00 «Аёл эрки». Телесериал 1-қисм (Япония)
22.40 Спорт дастури: Интерфутбол.

«Тошкент»

18.20, 21.15 «Экспресс» телегазета.
18.30 «Пойтахт» /рус/.
18.50, 20.20, 21.45 «ТВ анонс».
18.55 «Экран детям».
19.10 «Бир жуфт аския».
19.15 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
